

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
Самарқанд тумани
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Самаркандского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

3300, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Gulobod qo'rg'oni.
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулабад, Самаркандского района, Самаркандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2015 у.г. «18» ноябр

№ 1497-к

Самарқанд туман “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Мароқанд агротехсервис” агрофирмаси ҳудудидан «Идеал Фартуна» хусусий корхонасига пойафзал ишлаб чиқариш цехи қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорларини ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, “Самфуқаролойиха” масъулияти чекланган жамиятининг 2015 йил 05 октябрдаги № 80 сонли ҳулосаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2015 йил 13 октябрдаги 1693 сонли ҳулосаси ва «Идеал Фартуна» хусусий корхонасининг туман ҳокимлигига берган хати ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман “Даштакиболо” қишлоқ фуқаролар йиғини “Мароқанд агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 569 контуридан «Идеал Фартуна» хусусий корхонасига пойафзал ишлаб чиқариш цехи қуриш учун жами 0,88 га (шундан: 0,88 га туман захирасидаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратилсин.

3. «Идеал Фартуна» хусусий корхонасига пойафзал ишлаб чиқариш цехи бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га топширилсин.

5. «Идеал Фартуна» хусусий корхонаси томонидан “Ер кодекси”нинг 36-моддаси талаблари бузилган тақдирда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров